

188. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки лаънат келтирувчи (иш)дан сақланинг-лар», дедилар.

Одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки лаънат келтирувчи (иш) нима?» дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларнинг йўлига ва соя жойига хало қилган», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда кўпчилик фойда оладиган жойларни эҳтиром қилиш, бундай жамоатчилик жойларини озода сақлаш ҳақида сўз бормоқда.

Йўл – кўпчилик фойдаланадиган жой. Унда кишиларга озор берадиган, кўнгилларини ғаш қиладиган нарсалар бўлмаслиги керак. Агар бирор киши йўлга қазои ҳожат қилиб қўйса, ўтган-кетган одам унга лаънат айтади. Одамлар ўтириб, дам оладиган, нафасини ростлайдиган жойлар ҳам худди шундай! Ундай жойлар ҳам доимо озода сақланиши лозим, бундай жойга қазои ҳожат қилиб қўйган кишини ҳам одамлар лаънатлайдилар. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу икки ишни «икки лаънат келтирувчи (иш)» деб атамоқдалар.

Мусулмон киши йўлга, соя жойга ва бошқа шунга ўхшаш кўпчилик фойдаланадиган жойларга нафақат қазои ҳожат қилмаслиги, балки ундан бошқа халал берувчи ишларни ҳам қилмаслиги керак. Аксинча, ундай жойларни доимо тоза ва озода сақлашга, кўпчиликка озор берадиган нарсалар бўлса, олиб ташлашга одатланиш лозим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлдан кўпчиликка озор берувчи нарсани олиб ташлашни иймоннинг шўъбаларидан бири, деганлар.

189- ????? ????????? ????? ????????? ????????? ???????

????????? ????? ?????????????????? ??? ????? ?????? ??????:

?????????? ?????????????????? ??????????????????: ??????????????

??? ?????????????????? ?????????????????? ??????????????????

??????????????. ?????????? ??????? ??????????.

189. Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Учта лаънат ўрnidан – сув ўзанига, йўлга ва сояга қазои ҳожат қилишдан сақланинглар», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аввалги ҳадисдаги икки лаънат келтирувчи ишга учинчиси қўшилди. Сув бошига, яъни одамлар сув оладиган жойлар ва ўша жойга олиб борувчи йўлларга қазои ҳожат қилишдан қайтарилмоқда. Ким бу ишни қилса, кўпчиликнинг лаънатига учраши таъкидланмоқда. Мўмин-мусулмон одам бу ишни умуман қилмаслиги ва фарзандларини ҳам бу ишни қилмасликка ўргатиши лозим.

190- ????? ????????? ??????? ?????? ?????????????? ?????????? ???????

????????? ??????? ?????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ???????

????? ??????????? ??? ??????????????. ?????????? ??????????????????:

???? ?????????? ????? ?????????????? ??? ?????????????? ???????:

?????? ?????????? ?????????? ?????????????? ????????????. ??????????

????????????????? ?????????? ??????????.

190. Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ердаги тешикка бавл қилишдан қайтардилар. Одамлар Қатодага:

«Нима учун ердаги тешикка бавл қилиш ёмон кўрилади?» дейишди. У:

«Ундай жойлар жинларнинг маскани бўлади, дейилар эди», деди».

Насайи ва Абу Довудлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Саржис ал-Музаний Бану Махзум қабиласининг бошлиқларидандир.

Имом Бухорий ва Ибн Ҳиббон айтадилар:

«Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида бўлганлар ва Расулуллоҳдан кўп ҳадислар ривоят қилганлар».

Бу ҳадисларни Муслим ва бошқа имомларнинг китобларидан топиш мумкин.

Абдуллоҳ ибн Саржис ҳадисларни Умар ибн Хаттоб, Абу Ҳурайралардан ҳам ривоят қилганлар.

Бу зотдан Қатода, Осим ал-Аҳвал, Усмон ибн Ҳаким, Муслим ибн Марям ва бошқалар ривоят қилдилар.

Ушбу ҳадис ердаги тешикларга бавл қилишдан қайтармоқда. Бу қайтаришнинг сабабларидан бирини Қатода розияллоҳу анҳу баён ҳам

қилиб бермоқдалар. Ўша тешиқлар жинларнинг маскани бўлиши мумкин. Унга бавл қилган одам зарар кўриши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, ўша тешиқлар турли ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг уяси бўлиши ҳам мумкин. Улар ҳам зарар кўрмаслиги керак.

191- ?????? ?????? ?????????? ?????????????? ?????? ??????????

????????????????? ?????????????????? ?????????????????.

191. Ва у (Абу Довуд) қилган ривоятда:

«Сиздан бирортангиз бавл қилмоқчи бўлса, бавл қилиш учун жой танласин», дейилган.

Шарҳ: Яъни кўринган жойга бавл қилиб кетавермасин. Бавл қилдиган жой юқоридаги ҳадисларда бавл қилишдан қайтарилган жойлар бўлмасин, шунингдек, қаттиқ жой бўлиб, пешоб сачраб, одамнинг ўзига қайтмасин ва ҳоказо.

192- ?????? ?????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????:

????????? ?????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????

????? ?????????????????? ?????????? ??????????????????. ??????????

????????????????? ?????????????????.

192. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халодан чиққанларида «ғуфронака», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, халодан чиқишда ҳам айтиладиган дуо бор. «ғуфронака»нинг маъноси «мағфират қилишингни сўрайман» деганидир. Киши халодалик вақтида ғафлатда бўлиши эътиборидан ундан чиққанида шу иборани айтади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан